



## “Involta” Ilmiy Jurnalni

Vebsayt: <https://involta.uz/>

### ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА АЙРИМ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Козимбек Ғозиев

*Тошкент давлат юридик университети “Маъмурий ва молия ҳуқуқ”  
кафедраси ўқитувчиси*

#### Аннотация

Илмий тадқиқот ишида олий таълимни ташкил этиш, етук ва малакали мутахассисларни тайёрлаш, аҳолининг саводхонлигини ошириш ҳамда олий таълим қамрови борасидаги айрим хорижий мамлакатлар яъни, Хитой, Корея мамлакатлари тажрибаси таҳлил этилиб, мазкур ижобий тажрибаларни мамлакатимизда қўллаш борасидаги фикр-мулоҳазалар кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** таълим, хорижий тажриба, университет, бошқарув, кадр, хусусий ва оммавий

Мамлакатимизда таълим ташкилотларини ривожлантириш ва бу борада ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бошқа мамлакатларда олий таълимни, айниқса, хусусий олий таълимни ташкил этиш борасида жаҳонда катта ижобий тажриба тўпланган. Мамлакатимизда олий

хусусий таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришда хорижий давлатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, Японияда меҳнатга қобилиятли 25-65 ёшли аҳолининг 42 фоизи олий маълумотга эга бўлиб, бу ҳолат мамлакатда ишлаб чиқариш юқори даражада автоматлаштирилганлиги ва у оддий ишчилардан ҳам юқори даражадаги тайёргарлик талаб қилиши билан тавсифланади. Бугунги кунда мамлакатда 615 та университет, шу жумладан 425 та хусусий университет мавжуд бўлиб, уларда 2,5 млн талаба таҳсил олмоқда. Япониянинг олий таълим тизими ўзига хос бўлиб, сўнгги ўн йилликларда рўй берган барча ўзгаришларга қарамасдан у жаҳондаги энг консерватив таълимлигича қолмоқда. Айни пайтда таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали япон жамиятини янгилаш рўй бермоқда.

Ҳукумат томонидан 2001 йилда бошланган ислоҳот олий ўқув юртларини нисбатан катта мустақиллика эга бўлган университет корпорацияларига бирлаштиришни кўзда тутди. Корпорациялар нафақат университет бинолари ва ер майдонларини мулк қилиб олдилар, балки улар амалда тўлиқ автономияга эга бўлдилар. Ушбу ислоҳотлар муаллифларининг фикрича, нафақат олий ўқув юрти ўз дипломининг сифати учун масъулиятини оширади, балки раҳбариятни фаннинг бизнес билан алоқаларини йўлга қўйишга йўналтирилган фаолиятини кучайтиришга ундайди. Корпорациялар ўз дастурлари ва ўқув режаларини яратишлари, ўз университетининг ихтисослашувини белгилашлари, эркин либераллаштириш ва диверсификациялаш сиёсати юритиш имкониятидан тўлақонли фойдаланадилар.

Хитойда кўп босқичли олий таълим тизими шаклланган бўлиб, охириги йилларда мамлакатда олий ўқув юртлари сони кескин кўпаймоқда. Бугунги кунга келиб Хитойда давлат университетларининг сони 2500 дан ортиб кетган. Хитойда давлат ОТМлари билан бирга нодавлат таълим муассасалари ҳам фаолият юритади. Жамоатчилик томонидан ташкил этилган нодавлат таълим

муассасалари давлат муассасалари фойдаланадиган ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланади. 1997 йилда ўтказилган аккредитация натижасида 1200 та нодавлат ОТМдан атиги 21 таси давлат намунасидаги диплом бериш ҳуқуқини қўлга киритди. Нодавлат ОТМларга ўқув адабиётларини ва мутахассисликлар йўналишларини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилган. Уларнинг ўқув режалари ва дастурлари маҳаллий иқтисодиётнинг эҳтиёжларига йўналтирилган бўлиб, давлат ОТМлари қамраб олмаган бўшлиқни тўлдиришни мақсад қилиб қўйган.

Хитойда ўқиш учун ҳамма пул тўлаши шарт, стипендиялар тизими амал қилади. Олий ўқув юртлири битирувчилари мустақил равишда ишга жойлашадилар ёки аспирантурага кирадилар. Хитой олий ўқув юрти ўз талабаларини ўқиш ва стажировка учун чет элга жўнатиши мумкин. Олий таълим кўлами бўйича Хитой жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди ва олий таълим сифати бўйича халқаро рейтингларда Хитойнинг ўнлаб университетлари муносиб ўрин эгаллаган. Британиянинг «The Times» журналининг 2009 йилдаги сўнгги рейтингда Хитойнинг олти олий ўқув юрти жаҳондаги 200 та энг яхши университетлар қаторидан жой олган. Ушбу рўйхатда Пекин университети 52-ўринда турибди. Таққослаш учун: МДУ бу рўйхатда 155-инчи. Хитой бизнес мактабларининг нуфузи ортди. Улардан энг яхшиси Шанхайнинг CEIBS мактаби бўлиб, у «Financial Times Executive» MBA Rankings бўйича 2009 йилда 100 энг яхши мактаб ичида 22-ўринни эгаллади. 2006 йилда у 21-ўринда эди, 2001 йилда эса энг яхши юзталикка умуман кирмаганди. Ислохотларнинг дастлабки беш йили давомида Хитой олий ўқув юртлирини давлат томонидан молиялаштириш икки мартадан ортиқроқ ўсди ва йилига \$10,4 млрд.га етди. Қўшимча харажатларнинг бир қисми хорижда муваффақиятга эришган олимларни олиб келишга йўналтирилади: уларга ҳатто америкаликлар ўлчови бўйича ҳам яхшигина маошлар таклиф қилинади ва Фарбдагидек меҳнат шароитлари яратилган.

Хитойда хусусий олий таълим эгалари турли хил субъектлар бўлиб, улар

ўз ичига қуйидагиларни олади: собиқ ўқитувчилар, истеъфога чиққан амалдорлар, тадбиркорлар; ижтимоий тузилмалар, масалан, сиёсий партиялар; корхоналар, хусусий ОТМни ташкил этишда катта роль ўйнайдиган таълим гуруҳлари; давлат ОТМ нинг филиаллари; бошқа давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ОТМлар.

Хусусий ОТМнинг молиялаштириш манбалари турлича: таълим учун тўланадиган тўловлар ва бадаллар; ҳомийларнинг маблағлари; хайрия ажратмалари; банк заёмлари; махсус давлат фондлари; хорижий инвестициялар; тадбиркорликдан тушган даромадлар ва бошқа манбалар.

ОТМ давлатдан катта молиявий ёрдам олмаганлиги боис, Хитойда хайрия қилиш маданияти унча ривожланмаган, шу туфайли кўпчилик коллеж ва университетлар таълим учун жуда катта маблағ тўлайдиган талаба учун ўзаро рақобатлашиб, шу тариқа таълим хизматлари бозорини бошқарадилар.

Корейс олий таълими бир вақтнинг ўзида ҳам барчага тенг ва нуфузли ҳисобланади. Бир томондан Ҳукумат олий таълим олиш учун “тенг имкониятлар” сиёсатини онгли равишда ва изчил амалга ошироқда, иккинчи томондан корейс олий ўқув юртлари аниқ иерархик пирамидани ҳосил қилиб, унда турли университетлар дипломларининг “баҳоланиши” турлича бўлиши мумкин. Бундай мувозанатлаштирилган ва пухта ўйланган сиёсат ўзининг ижобий самараларини берди. 2005 йилга келиб Жанубий Кореяда 25-34 ёшли кишиларнинг 97 фоизи олий маълумотга эга эдилар. Таққослаш учун, 1960 йилларда Жанубий Кореянинг миллий даромади Мексика ва Жанубий Америка мамлакатларининг миллий даромадидан паст эди, таълим малакаланиши бўйича эса Жанубий Корея Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ташкилотининг 30 мамлакати рейтингида энг қолоқ мамлакатлар қаторида эди. Эришилган муваффақият шундан иборатки, мамлакат ўз аҳолисининг таълимга бўлган муносабатини ўзгартиришга ва талабнинг ўсишига мос тарзда жавоб бера олишга эришди.

Кореяда олий таълим икки категорияли икки гуруҳга бўлинади: оммавий

ёки хусусий ўқув юртлари ва касбий таълим муассасаси(коллежларга ўхшаш) ва университетлар. Айни пайтда бу давлатда университетлар ўз мақоми ва рейтинги бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади, бир университет дипломи бошқа университет дипломига нисбатан битирувчи олдида кўпроқ имкониятлар очиши мумкин. Университет нуфузи унинг молиялаштириш мақомига эмас (хусусийми ё оммавий), балки ОТМнинг илмий салоҳияти ва ўқув дастурлари сифатига боғлиқ бўлади. Корейнинг давлат университетлари хусусий ОТМлардан фақат ўқув курси қиймати билангина фарқланади, масалан, давлат университетида бакалавр дипломини олиш қиймати хусусий таълим муассасасига нисбатан 2 баравар арзон бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда Корея Республикасида фаолият олиб бораётган 419 олий ўқув юртлари (ундан 24 тасигина давлатга тегишли) маълум бир “иерархик пирамида”ни ташкил этади, абитуриент ўқишга кирмоқчи бўлганда ушбу иерархияда тегишли университетнинг тутган ўрнига эътибор қаратади. Гарчи барча университетлар Таълим вазирлиги томонидан назорат қилиниб турилса-да ва ҳар бир университетнинг ўз ўқув режалари ва шаклланган таълим бериш кўникмалари мавжуд бўлса-да, Кореяда айнан қайси университетни тугатганлик муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, “яхши” университет дипломи ўз эгасига ишга жойлашишда, кейинчалик лавозими кўтарилишида, ҳатто шахсий ҳаётини қуришда ҳам салмоқли роль ўйнайди.

Расман Кореяда олий таълим муассасаларининг 5 типи мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир: университетлар, коллежлар, педагогик институтлар, кундузги ва сиртки университетлар. Бундан ташқари яққол ҳарбий ёки диний йўналишга эга бўлган ўқув муассасалари ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида хорижий университет филиалларини ташкил қилиш ва олий таълим тизимига хорижий таълим хизматларини кўрсатувчи корхоналарни жалб қилиш бўйича самарали механизм жорий этилмаган. Худди шундай самарали механизмларни жорий қилган ва у ўз самарасини бераётган давлат сифатида Малайзия, Хитой, Қатар, БАА ва

Жанубий Корея республикасини кўрсатиб ўтиш зарур.

Айниқса, хорижий давлат университетларининг филиали ўз ҳудудида очиш бўйича Жанубий Корея тажрибаси алоҳида ўрин тутди. Жумладан, ушбу давлат хорижий давлатлар университетларининг ягона мажмуасини яратиш ва мазкур соҳага инновацион ёндашиш бўйича дунёда етакчи давлатлардан биридир.

Мисол учун, Жанубий Кореянинг Инчхон эркин иқтисодий зонасида Глобал университетлар мажмуаси фаолият юритади. Инчхон глобал университетлар мажмуаси Корея таълим тизимини инновацион ривожлантириш, таълим, иқтисодиёт, саноат, маданият ва санъат соҳаларида янги авлод етакчиларини тарбиялаш учун Корея ҳукумати ташаббуси билан ташкил этилган лойиҳадир.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 1 миллиард доллар миқдорда инвестиция киритилган. Ҳозирда мазкур ҳудудда 10 га яқин хорижий давлат университетларининг филиаллари, хусусан, Утах университети, Масон университети, Чент университети фаолият юритади. Мазкур лойиҳани амалга оширишдан мақсад Инчхон шаҳрини дунёнинг етакчи инновацион шаҳарларидан бўлган Сингапур ва Дубай каби шаҳарлар қаторига қўшишдан иборат.

Шунингдек, олий таълим муассасаларини молиялаштириш тартиб ва асослари борасида ҳам мамлакатимизда давлат бюджетидан ҳар бир талабага тўғри келувчи ҳаражат Россияга нисбатан 2 марта, Туркияга нисбатан 3 марта, Малайзияга нисбатан 7 марта кам.

2000 йилдан бери олий таълимни молиялаштиришнинг умумий миқдорида давлат ғазнасида харажатлар 60 фоиздан 35 фоизга камайди. Давлат харажатлари камайиши билан олий ўқув юртлари кўпроқ таълим учун тўловлар ҳисобига молиялаштиришга ўтмоқда.

Ўзбекистонда олий таълимни хусусий молиялаш даражаси (60 фоиз) АҚШга нисбатан (57 фоиз) ва Буюк Британияга нисбатан (52 фоиз) ҳам юқори.

Аҳоли даромадлари юқори бўлган мамлакатлар орасида олий таълимни хусусий молиялаштириш ўртача 29 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда олий таълимни хусусий молиялаштириш ҳажмининг ошиши нафақат тўлов-контракт асосида қабул қилинган талабалар сони ошиши билан, балки таълим учун тўловлар миқдорининг кўпайиши билан ҳам боғлиқ. Таълимни тўлов-шартнома асосида ташкил қилишнинг белгилаб берилган механизмлари ва тартиблари ҳам олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш имкониятларини муайян даражада чеклайди.

Бугунги кунда олий ўқув юртлари фаолиятини молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари ноанъанавий маблағларни жалб этишнинг янги манбаларини излаш талаб қилинмоқда. Бундай шаклларга биз эндаументни киритишимиз мумкин. Эндаумент-инвестиция фонди бўлиб, ундан тушган фойда хайрия учун йўналтирилган ва солиқлардан озод бўлади. Ушбу ресурс капитали университетнинг узок муддатли молиявий барқарорлигини таъминлайди.

Жаҳондаги қадимий эндаумент Гарвард университети эндаументи бўлиб ўзининг биринчи бадалини битирувчиларидан 1649 йилда ер участкаси кўринишида олган. Инвестиция активларини бошқаришдан олинган даромаддан ўқитувчи ва тадқиқодчиларга ойлик маошлари, талабаларга стипендия ва университет кутубхонаси, музейларни молиялаштиришга йўналтирилади. Эндаументга сарфланган инвестиция амалда абадий инвестиция ҳисобланади. Ушбу мақсадли фондлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида самарали фойдаланилмоқда ва олий ўқув юртларига йиллик даромадларини 30-40% ни олиб келмоқда. Олий ўқув юртлари бундай фондларни ўзларига жалб қилишлари учун аввало, ушбу жараёнга тажрибали кадрлар керак бўлади. Америкада ана шундай фондларни жалб қилиш мақсадида франдрайзинг (маблағларни жалб этиш) тўлақонли касбга айланган.

Эндаументни ривожлантириш таълим сифатини экспертиза қилиш ва



оширишда катта аҳамиятга эга. Олий ўқув юрти таълими сифати битирувчилар фаолиятини кейинги муваффақиятлари билан белгиланади. Хизмат лавозими ва бизнесда муваффақиятга эришган битирувчилар олий ўқув юрти билан алоқани узмай унинг бюджетини ўз ҳайрия маблағлари билан тўлдириб турадилар. Масалан 2013 йили Гарвард университетининг эндаумент фонди 27,9 млрд. АҚШ долл. ва Массачусет технология институтининг эндаумент фонди эса 9,8 млрд. АҚШ долл. ташкил этган. Таҳлилларнинг кўрсатишича Гарвард университети фаолиятини молиялаштириш манбалари таркибида эндаумент 38% ни ташкил этиб пуллик таълим ҳиссасига 44% тўғри келган ҳолда ушбу кўрсаткич Массачусет технология институтида мутаносиб равишда 35% ва 45% га тенг бўлган. Ўзбекистон олий ўқув юртларини жаҳон таълим тизимига жалб қилиниш интеграциялашуви уларни мақсадли фондларни яратишга ундайди, чунки жаҳон амалиётида олий ўқув юртларини рейтингини тузишда эндаументга тушумлар мезони муҳим кўрсаткич сифатида қўлланилади.

Ушбу етакчи хорижий университетлар амалиётини мамлакатимиз олий ўқув юртларида республикамизни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижодий қўллаш олий таълим тизимини молиялаштиришнинг яқин истиқболда барқарорлаштириш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <https://www.harvard.edu/about-harvard/endowment/>
2. <https://mitimco.org/>
3. <https://www.statista.com/statistics/647382/japan-university-number-by-type/#:~:text=As%20of%20May%202020%2C%20795,at%20Japanese%20universities%20in%202020.>
4. <https://www.statista.com/statistics/226982/number-of-universities-in-china/>
5. <https://www.statista.com/statistics/648374/south-korea-higher-educational-institutions-number/#:~:text=Premium%20statistics->



[Number%20of%20higher%20education%20institutions,Korea%202009%2D2021%2C%20by%20type&text=In%202021%2C%20South%20Korea%20had,for%20a%20technical%20training%20course.](#)

6. Жураев, Ш. Ю. (2020). Экологик хавфсиз яшаш ҳуқуқи ва хорижий амалиёт. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, (SPECIAL 5)*.
7. Juraev, S. (2021, November). THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF STATE-LEGAL REGULATION OF LEGAL RELATIONS ON ENVIRONMENTAL SAFETY. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 111-117).
8. Жураев, Ш. (2020). ПРАВО НА ЭКОЛОГИЧЕСКИ БЕЗОПАСНУЮ ЖИЗНЬ И ЗАРУБЕЖНАЯ ПРАКТИКА. *Review of law sciences, 4*(Спецвыпуск).
9. O‘G‘Li, Z. J. K. (2020). Administrative Reforms In The Republic Of Uzbekistan: Some Problems And Prospects. *The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2*(12), 1-4.
10. Зоилбоев, Ж. (2021). ADMINISTRATIVE REFORMS OF EDUCATION SYSTEM IN UZBEKISTAN. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, (SPECIAL 1)*.
11. Zoilboev, J. (2021). A NEW PROCEDURE FOR RESOLVING INVESTMENT DISPUTES IN A JUDICIAL ORDER. INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND CURRENT RESEARCH CONFERENCES, 1 (01), 209–213.
12. Javlon Karimjon, O. G. Li Zoilboev. (2021). Requirements For The Adoption And Administration Of An Administrative Document (Act) By Public Administration Bodies. INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND CURRENT RESEARCH CONFERENCES, 137–141.
13. Zoilboev, J. (2022). CONFLICT OF INTEREST AND THE FIGHT AGAINST IT ON THE EXAMPLE OF UZBEKISTAN. *Eurasian Journal of Academic Research, 2*(1), 29-40.

14. Zoilboev, J., & Cyman, D. (2022). CONSUMER PROTECTION: ON THE EXAMPLE OF UZBEKISTAN AND THE EUROPEAN UNION. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES* ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876, 16(01), 1-8.
15. Yusupov S. LEGAL REGULATION OF PARLIAMENTARY CONTROL OVER THE STATE BUDGET //International Scientific and Current Research Conferences. – 2021. – С. 159-163.
16. Yusupov S. SOME ISSUES OF PARLIAMENTARY CONTROL OVER THE STATE BUDGET IN THE CONSTITUTION LEGAL ORDER //International Scientific and Current Research Conferences. – 2021. – С. 107-110.
17. Sardorbek Y. ANALYSIS OF PROBLEMS IN THE PROCESS OF PARLIAMENTARY CONSIDERATION OF BUDGET EXECUTION REPORTS IN UZBEKISTAN //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2021. – Т. 1. – №. 1.4 Legal sciences.
18. Юсупов С. Б. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ //ЮРИСПРУДЕНЦИЯ. – 2021. – Т. 2. – №. 1.
19. Bakhodirovich Y. S. International Legal Bases of Parliamentary Control Over the State Budget: On the Example of Inter-Parliamentary Institutions //International Journal of Development and Public Policy. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 130-134.
20. Юсупов С. Б. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2021. – №. SPECIAL 3.
21. Sardorbek Y. ANALYSIS OF PROBLEMS IN THE PROCESS OF PARLIAMENTARY CONSIDERATION OF BUDGET EXECUTION

REPORTS IN UZBEKISTAN //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2021. – T. 1. – №. 1.4 Legal sciences.

22. Goziev, K. (2021, December). PRINCIPLES OF TAX LEGISLATION. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 9-12).
23. Goziev, K. (2021, November). DEMOCRATIZATION OF STATE POWER AND GOVERNANCE IS AN IMPORTANT CONDITION FOR THE PRINCIPLE OF SEPARATION OF POWERS. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 124-132).
24. Жураев, А. Н. (2021). REPRESENTATIVE INSTITUTE FOR THE PROTECTION OF THE RIGHTS AND LEGAL INTERESTS OF BUSINESS ENTITIES IN ENSURING THE RULE OF LAW. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SPECIAL 1).
25. Жураева, А. Б. (2020). PRIOR RIGHTS IN TRADEMARK IN UZBEKISTAN, CHINA AND GERMANY COMPARATIVE STUDY. *ЮРИСПРУДЕНЦИЯ*, 1(1).
26. Akhrorov, A. (2021). ENVIRONMENTAL CONTROL OF PUBLIC ADMINISTRATION BODIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.
27. Khudoyberganova, M. . (2021). THE ROLE OF PUBLIC ADMINISTRATION IN THE DEVELOPMENT OF PHARMACEUTICAL SECTOR IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND CURRENT RESEARCH CONFERENCES*, 1(1), 147–152. Retrieved from <https://usajournalshub.com/conferences/index.php/isrc/article/view/200>
28. Исаева, Ф. Б. (2021). ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SPECIAL 1).
29. Farida Isaeva. (2021). LEGAL BASIS FOR EVALUATING AND CERTIFYING THE ACTIVITIES OF A CIVIL SERVANT. *International Scientific and Current Research Conferences*, 1(01), 100–106. Retrieved from <http://orientalpublication.com/index.php/isrc/article/view/161>

30. Исаева Фарида (2020). Роль Конституции в реформировании государственной службы в Республике Узбекистан и создании ее правовой основы. *Review of law sciences*, 1 (Спецвыпуск), 33-39. doi: 10.24412/2181-919X-2020-1-33-39
31. Khumoyun, S. (2021) "CONCEPT AND PURPOSES OF HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN THE ASPECT OF LABOR LAW: CONCEPT AND PURPOSES OF HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN THE ASPECT OF LABOR LAW", *TSUL Legal Report International electronic scientific journal*, 2(1), pp. 118-126. Available at: <https://www.legalreport.tsul.uz/index.php/journal/article/view/52> (Accessed: 2November2021).
32. Feruza Salixova. (2021). THE ROLE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN CUSTOMS. *International Scientific and Current Research Conferences*, 1(01), 118–123. Retrieved from <http://orientalpublication.com/index.php/iscrc/article/view/165>
33. Салихова, Ф. Т. (2021). БОЖХОНА НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КОНТРАФАКТ ТОВАРЛАРНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SPECIAL 1)
34. Soyirov, K. (2021). ORGANIZATIONAL AND LEGAL ASPECTS OF THE REDUCTION OF STATE GOVERNANCE IN THE ECONOMIC SPHERE. In *Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference* (Vol. 1, No. 2).
35. Khumoyun, S. (2021). CONCEPT AND PURPOSES OF HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN THE ASPECT OF LABOR LAW: CONCEPT AND PURPOSES OF HUMAN RESOURCE MANAGEMENT IN THE ASPECT OF LABOR LAW. *TSUL Legal Report International electronic scientific journal*, 2(1), 118-126.
36. Ниязова, Н., Ардатова, Е., & Сойилов, Х. (2021). Обучение языкам как основа развития юридической науки и образования. *Общество и инновации*, 2(2), 137-143.

37. Juraeva, A. (2021, November). STATE RESPONSIBILITY FOR COVID-19 IS CHINA LIABLE. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 151-158). Жураева, А. Б. (2020). PRIOR RIGHTS IN TRADEMARK IN UZBEKISTAN, CHINA AND GERMANY COMPARATIVE STUDY. *ЮРИСПРУДЕНЦИЯ*, 1(1).
38. Ахроров, А. (2021). ТЕНДЕНЦИИ УПРОЩЕНИЯ ПРОЦЕДУР ЛИЦЕНЗИРОВАНИЯ И РАЗРЕШЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. *Збірник наукових праць SCIENTIA*.
39. Akhrorov, A. (2021, April). ENVIRONMENTAL CONTROL OF PUBLIC ADMINISTRATION BODIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. In *International Scientific and Current Research Conferences*.
40. Abduvaliev, M. (2020). Invalidity of agreements in civil law-an analysis of the experience of Uzbekistan and Japan. *TSUL Legal Report International electronic scientific journal*, 1(1).
41. Maksudjon, A. (2020). DEVELOPING NORM CREATIVITY IN THE PROCESS OF ENSURING THE RULE OF LAW IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *Review of law sciences*, 1(Спецвыпуск).
42. Maksudjon, A. (2020). CONSTITUTIONAL CONCEPTS OF THE RIGHT TO FREEDOM OF MOVEMENT FROM ONE PLACE TO ANOTHER AND LEGAL RESTRICTIONS (EXAMPLE OF REGISTRATION SYSTEM). *Review of law sciences*, (4), 6-9.